

Яхши гумон



08:32 / 15.05.2020 1944

Аҳмад ибн Абу Ҳаворий айтади: «Абу Сулаймонга: «Фалончи билан фалончи менга ёқмаяпти», дедим. У: «Менга ҳам ёқмаяпти. Эҳтимол, сен ҳам, мен ҳам қалбимиздан келиб чиқиб шундай деяётгандирмиз? Балки бизда яхшилик йўқдир? Балки биз солиҳларни ёқтирмасмиз?» деди».

Яҳё ибн Закариёдан ривоят қилинади: «Али ибн Баккорнинг олдида эдик, бир булут ўтиб қолди. Мен Али ибн Баккордан бир нарса ҳақида сўраб турган эдим, у киши: «Жим тур, булутнинг ичида тошлар бўлишидан қўрқмайсанми?» деди».

Изоҳ: Олдинги қавмларга гуноҳ-маъсиятларга муккасидан кетганларида устларидан балолар булутлар кўринишида келиб ёғиларди. Ваҳоланки, ташқи томондан қаралганида одатий булутлардан фарқ қилмас, кўрган одам ҳозир ёмғир ёғади деб ўйлар эди. Бу қиссада ҳам шу назарда тутилмоқда.

«Солиҳлар гулшани» китобидан